

## ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

### ТАЛАБА-ЁШЛАРДА МЕҲНАТСЕВАРЛИК ТУЙГУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АФОРИЗМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Солиева Ҳавасхон Омоновна

Қўқон давлат педагогика институти "Ижтимоий фанлар" кафедраси

Хошимова Дилором Анваровна

Қўқон давлат педагогика институти Умумий педагогика психология кафедраси

**For citation:** For citation: Soliyeva Havaskhon Omonovna, Khoshimova Dilorom Anvarovna, Kokand state pedagogical institute, Using aphorism in forming positive feelings to labour, Innovations in Pedagogics and Psychology, 2019, 1 vol., issue 2, pp. 27-35



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-2-6>

---

#### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада олий таълим муассасаларида ҳар жума куни ташкил этиладиган "Ахборот ва мураббийлик соати" дарсларида меҳнатсеварлик туйғуларини талаба-ёшларда шакллантиришда афоризмлардан фойдаланишнинг айрим фойдали хусусиятлари тўғрисида фикр юритилган.

**Таянч сўз ва тушунчалар:** мураббий, меҳнатсеварлик, муваффақият, ҳаракатчанлик, истеъдод, меҳнат тарбиячи, ҳикматли сўзлар, афоризм, инсоний фазилатлар, ижодий ёндашув, руҳий қувват, меҳнат маданияти.

---

### ИСПОЛЬЗОВАНИЕ АФОРИЗМОВ ПРИ ФОРМИРОВАНИИ У СТУДЕНТОВ ЧУВСТВА ЛЮБВЫ К ТРУДУ

Солиева Ҳавасхон Омоновна, Хошимова Дилором Анваровна

Кокандский государственный педагогический институт

---

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается роль афоризмов при формировании чувства трудолюбия у подрастающего поколения.

**Ключевые слова и понятия:** воспитатель, трудолюбие, успех, талант, мудрые слова, афоризм, человеческие качества, творческий подход, духовный потенциал, культура труда.

---

### USING APHORISM IN FORMING POSITIVE FEELINGS TO LABOUR

---

#### ANNOTATION

Soliyeva Havaskhon Omonovna, Khoshimova Dilorom Anvarovna

Kokand state pedagogical institute

This article is about some advantages of encouraging students to labor nurturing by using aphorism in lessons which are held every Friday.

**Keywords:** a teacher, success, hardworking, talent, aphorism, creativity, labor culture, wise words, humanism.

№2 (2019)

**И**нсоннинг мақсадга йўналтирилган фаолияти меҳнатдир. Меҳнат қилиш жараёнида инсоннинг дунёқараши, тафаккури ривожланади. У туфайли инсон ўзининг истегдоли, қобилияти ва лаёқатини намоен эта олади. Меҳнатда инсон дунёқараши шаклланади, билим савияси кундан-кунга ортиб боради. Руҳий ва жисмоний комилликка эришади.

Нарса ва ҳодисалар, ҳолатларни, воқелик образларини эслаш, шунингдек, ижодий ҳаёл суриш жараёнига тасаввур [1, 401] деб аталишини инобатга олсак, дарс жараёнларида нега талабаларга эркин ижодий фикрлаш муҳитини яратмаслигимиз керак? Касалик туфайли зарарланган аъзо ва системаларни тиклаш учун махус танлаб олинган турли жисмоний машқлар, беморни парвариш қилишга оид чиниқтириш усуллари ва гигиеник воситалар тизими ёрдамида даволаш бадан тарбияси амалга оширилишига қийинлаш қаралганда, шахс(талабалар)нинг соғлом муҳит тарбиясида ўйлайманки, тасаввур ва тафаккур қобилиятини ўстиришда ва соғлом фикрлашда миллий қадриятларга мос, замон талабларидан келиб чиқиб, ўринли ишлатилган ҳикматли сўзлар ва афоризмлар албатта, ўз самарасини беради. Чунки, ҳикматли сўзлар ҳудди эрта тонгда нонушта вақтида ун устида сурилган сариёғ каби тотли бўлади. Ўз ички кечинмаларимизга назар ташлаганимизда, одам руҳий мавжудот сифатида ўз вужуди ва кўнглида юз бераётган барча ҳиссий кечинмаларни ҳаммаша тўлиқ изоҳлаб бера олмаслигини кўрамиз. Афоризмлар биз таърифлаш анчайин мушкул кечинмаларга қисқа ва лўнда шаклда барча учун тушунарли тилда баён этилган бўлади.

Ҳозирги кунда Қўқон давлат педагогика институтида жами 243 та академик гуруҳлар мавжуд. Биз фикр юритмоқчи бўлган мавзу олий таълим муассасаларида ҳар жума куни ташкил этиладиган "Ахборот ва мураббийлик соати" дарсларида меҳнатсеварлик туйғуларини талабалар-ёшларда шакллантиришда афоризмлардан фойдаланишнинг айрим фойдали хусусиятлари тўғрисида бўлади.

Сир эмаски, меҳнат тарбияси - тарбиянинг муҳим тури, шахсни шакллантиришнинг зарур шартларидан бири бўлган педагогик жараёндир [1, 279]. Меҳнат тарбияси кишидан ижтимоий фойдали меҳнатга ички эҳтиёж, инстинзом, бағартиблик, ташкилотчилик, ташаббуқорлик ишчанлик, ишнинг кўзини билиш сингари сифатларни қарор топтиришга хизмат қилади. Меҳнат инсон эҳтиёжларини қондиришнинг бирламчи ва асосий воситаси бўлганлиги учун ҳам меҳнат тарбияси тарбиянинг бошқа ҳамма турларидан олдин пайдо бўлган.

Талабаларга меҳнат ва унга масъулият билан ёндашиш, меҳнатсеварлик ҳислатларига эга бўлишга онгли муносабатни ўргатишда ўқув даргоҳларининг ўрни катта ва масъулиятлидир.

"Инсонни қадрлаш туйғуси - деб ёзади фалсафа фанлари номзоди Шавкат Тўраев - дунёга бир мартаба келадиган инсоннинг онгида яшил чироқ мисол ёниб туриши керак". [2, 102] Ўйин ва ўйинчоқлар-бу бола учун фақат овуноқ эмас. Бу боланинг жисмоний ва руҳий тарбиясидаги жиддий омилдир. Ҳудди шундай меҳнат ва меҳнатсеварлик балоғат ёшига етган ҳар қандай ақлий ва жисмоний меҳнатга лаёқатли шахс учун ҳам муҳимдир. Инсон амалий фаолиятининг аввалдан фикран йўлланган натижасига, яъни мақсадига эришида энг тўғри ва энг омилкор йўл бу-меҳнат қилишдир. Аммо, Алишер Навоийнинг таъбирига кўра, вафо ва садоқат ҳислари аввало ҳар кимнинг қониди бўлмаса, унга ўргатмоқ мушкул бўлгани каби меҳнатсеварлик туйғуларини ҳам шакллантириш анча тер тўкадиган вазифадир.

Ҳаётимизни тез суръатлар билан безаб бораётган техника, технология, турли ихтиролар, электрон ва механик қурилмалар-у, уй-рўзхор буюмлари жимоний меҳнатга нисбатан талабни бир қадар сусайтирмақда.

"Виждонан бажарилган ҳар қандай меҳнат фойдалидир, бинобарин, у ҳурматга лойиқ" - дея бежиз таъкидламаган эди. Машҳур ғарб ёзувчиси Стендаль. [3, 64] Қалбан ҳис этган ҳолда ҳар вазифа ва масалага жиддий ёндаша билиш эътиборга моликдир.

Муҳаммад Ғаззолийнинг фикрича, инсон маънавий, руҳий оламини камол топтириш учун Дил - подшоҳ, Ақл - вазир, Руҳ мамлакатини бошқариб туриш керак. [4, 13]

Шарқ мутафаккирлари инсон руҳий оламида Ақлни пошдоҳ деб биладилар Инсонни Ақл-идрок соҳиби бўлгани учун эъозлаш зарур, деб ҳисоблайдилар. Моҳиятан инсонийлик икки нарсага- Ақл-идрок ва қалбнинг гўзал интилишларига таянади. Бундай талқин қилинган инсонийлик назаримда ахлоқий тушунчадир: инсонни, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг фазилатларини ва руҳий эркинлигини қадрлаш асосий ўрин тутаети. [5, 87]

Жоиз бўлса меҳнат иборасини шундай тарифлаган бўлар эдим, "Меҳнат мисоли кўнгил мусаввири мўйқалами. У қалб гўзаллини яратишда асосий воситадир," - албатта бу шахсий фикрим.

Талабанинг умумий лаёқати (юксак интеллекти, яхши хотираси, ижодий тасавури ва ҳоказо)ларидан ташқари шахсий лаёқати (математика ёки техникага, санъатга ёки гуманитар фанларга қизиқиш)га ҳам эътибор қаратиш муҳим.

Гуруҳ мураббийи мавзу юзасидан фикр юритаётганда, албатта шахсий намуна кўрсата билиши керак. Фақатгина шахсий ибрат фиклари ҳудди мезбонга юкланадиган асосий вазифа - меҳмон қақришдан мақсад мақтаниш ва гуруҳланиш бўлмаслиги сингари талқин қилиниши лозим. Акс ҳолда келтирилган афоризмлар ёки маълумотлар талаба хотирасида йўловчининг ўзи эслаб қола олмаган туманли йўл орқали борган манзил каби сақланиб қолиши амримаҳол. Зеро, қоронғуда ёритгичсиз кўршапалак тутиб бўлмайди.

Ўз шахсиятига, қобилиятига ортиқча баҳо бериш, ўзини бошқалардан юқори кўйиш, калондимоғлик оқибатида намоён бўладиган салбий ахлоқий сифат нима? - деган саволга ҳеч иккиланмай кибр дея жавоб берамиз. Аслида эса, "Оёғида тик турган деҳқон тиз чўккан олифтадан минг бора афзал" - дея изоҳлаган эди Б.Франклин. [3, 65]

"Меҳнатсеварлик кундалик ҳаётий юмушларда - деган эди Г.Бичер - ҳар қандай буюк ақл эгаси қила оладиган ва шу билан бирга у қила олмайдиган кўпгина ишларга ҳам қодирдир." Ёки М.Горкий таъбири билан "Ишчининг жисмоний ғайрати мўъжизалар яратишга қодир."- дейиш ўринлидир. [3, 65] Бу борада юзлаб мисоллар келтириш мумкин:

Буюк Хитой деворининг баландлиги 12 метр, кенлиги 5 метр, узунлиги эса қарий 4000 километрни ташкил этади. У қадим замонларда душман қўшинлари учун жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилган: отлиқ қўшинлар ундан ошиб ўта олмас, қалъаларни ҳужум билан забт этишни эса кўчманчилар ҳали удалай олишмасди. Буюк деворни белкураклар, чўкичлар ва замбилгалтаклар ёрдамида барпо этидилар. Ишониш қийин бўлса-да, эътибор қаратайлик, юз минглаб деҳқонлар Буюк деворни белкураклар, чўкичлар ва замбилгалтаклар ёрдамида барпо этидилар. [6, 54]

Х асрда Нурота тизмаларидаги Пастоғ дараси тўсилиб барпо этилган Хонбанди номли сув омборига 1,5 млн метр куб сув тўпланган. Тўғон гранит тоши ва сувга чидамли қурилиш қориш масидан қурилган. Бу сув омборини қуришда сувнинг

вертикал ва горизонтал босим кучи ва бу ҳудудларда тез-тез содир бўладиган зилзилаларнинг силкиниш кучларини ҳам ҳисобга олганлар. Бу, шубҳасиз, XVII аср машҳур француз физиги Блез Паскал томонидан сувнинг босим кучи тўғрисида яратилган кашфиётдан қарийиб 7 аср муқаддам мовароуннаҳрлик муҳандисларга маълум эканлигидан далолат беради. [7, 79]

Меҳнаткаш ўзбек халқи 1939 йил 1 августидан 160 минг меҳнаткаш Фаргона канали қурилишини бошлаб юборди. Уларнинг 70 мингдан зиёдрогини ёшлар ташкил этарди. Узунлиги 270 километр бўлган бу канал асосан қўл меҳнати билан 45кун ичида қурилди. Унда, 46 та йирик, 274 та кичикгидротехник иншоотлар, 5 та темирйўл ва 40 та автомобил йўллари кўприклари барпо этилди. [8, 105]

Менимча, мазкур мавзунни варақлаб юқоридаги мисолларни ўқиш асносида муҳтарам ўқувчи юқори марраларга, оламшумул кашфиётларга, юксак даражаларга эришиш учун фақатгина табиат инъом этган қобилият ёки алоҳида иқтидордан ташқари меҳнатсеварлик ҳислати ҳам муҳим ва жуда зарур эканлиги тўғрисида хулоса қилишга улгурган.

"Ҳар бир одам - деган эди Нобель мукофоти совриндори Э.Хемингуей, - нимадир бажармоқ учун дунёга келади. Ер юзида яшаб юрган ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз вазифаси бор." Дарҳақиқат, ҳар бир шахс ўз ўрнига эга. Хусусан талаба-ёшларнинг жамиятда тутган ўрни беқиёс. Бу борада айрим мулоҳазаларга диққатимизни қаратсак. Инфантилизм тушунчасига назар ташласак, катталарда болаларга хос бўлган морфологик, физиологик ва рухий ҳолатларнинг сақланиб қолиши билан ифодаланадиган ҳолат [1, 163] тўғрисида айтилган атама эканлигига амин бўламиз. Мазкур ҳолатнинг бирламчи босқичи тиббий касалликлар (бош мия касалликлари, меъда-ичак, буйрак, турли заҳарланиш, рухий) аломатлари билан белгиланса, шахсий тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, 18-22 ёш орасидаги талабаларимизда ушбу ҳолатнинг иккиламчи белгилари ироданинг сустлиги, жавобгарлик ҳиссининг йўқлиги, зарурини қилмай ўзига ёққан ишни қилиш, ўйинқароқлик каби ҳислатлари учраб туради. Бу ҳолат жиддий тиббий ёрдамга муҳтож клиник белги бўлмасда, доимий равишда эътибор билан ўсиш ва ривожланишига кўз-қулоқ бўлиш, тўғри ижтимоий муҳитни яратиштиш таълим муассасида айниқса, оила муҳитида ниҳоятда муҳимдир, уларда қобилият ва амалий кўникмаларни, шунингдек, мустақил бўлиш, жавобгарликни ҳис қилиш туйғуларни шакллантириш лозим. Ушбу сифатларни шакллантиришда ёрдамга келадиган дастлабки омил бу шахсий иродада намоен бўлади. Ташқи ва ишқи тўсиқларни енгиб ўтишда ташаббус, қатъият, саботилик, дадиллик ва ишчанлик сифатлари муҳим ўрин тутади.

## Адабиётлар

1. Аминов М.Н. Тарбия. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2010.
2. Ўзбекистон Маънавият ва маърифат кенгаши республика маънавият тарғибот маркази. Маънавиятимизга таҳдид-кечажакка таҳдид. Т.: "Нишон-ношир", 2011.
3. Vorontsov V. Tafakkur gulshani. - Т.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1989.
4. Ҳазолий З.М. Кимёи саодат. - Т.: "Камалак", 1994.
5. Жакбаров М. Комил инсон гоёсининг тарихий-фалсафий негизлари. - Т.: "Тафаккур", 2011.
6. Sagdullayev A.S., Kostetskiy V.A. Tarix. Т.: "Yangiyo'l Poligraf Servis", 2013.
7. Muhammadjonov A. O'zbekiston tarixi. - Т.: "Sharq", 2013.
8. Usmonov Q., Sodiqov M. O'zbekiston tarixi. - Т.: "Sharq", 2010.